

## I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-мартда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми 9 383,2 млрд. сўмни ташкил этди ва 2019 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизга тенг бўлди.

2020 йил январь-март ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 125,5 фоизни ташкил қилди.

**Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариш усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йигиндиси орқали ҳисобланади.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 9 394,5 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,8 % га юқори бўлди.


### Январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

	млрд. сўм		2019 йил январь-мартга нисбатан, % да
	2019 йил	2020 йил	
<b>I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами</b>	<b>7 214,5</b>	<b>9 383,2</b>	<b>103,7</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	6 945,0	9 230,2	103,7
Маҳсулотларга соф солиқлар	269,5	153,0	103,7
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>6 945,0</b>	<b>9 230,2</b>	<b>103,7</b>
Кишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	619,6	802,4	103,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	5 382,5	7 278,5	103,6
саноат	5 148,4	6 975,9	103,5

	млрд. сўм		2019 йил январь-мартга нисбатан, % да
	2019 йил	2020 йил	
қурилиш	234,1	302,6	108,0
Хизматлар	942,9	1 149,3	103,6
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	245,6	281,8	103,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	150,1	170,3	103,9
бошқа хизматлари	547,2	697,2	103,8

### Январь-мартда ялпи худудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби, (% да)

2019 йил




**2020 йил**



2020 йилнинг январь-март ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири қурилиш (108,0 фоиз), ташиб ва сақлаш, ахборот ва алоқа (103,9 фоиз), бошқа соҳа хизматлари (103,8 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (103,8 % да), саноат (103,5фоиз) тармоқларидаги ялпи кўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келди.

ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 20,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2019 йил январь-мартга нисбатан 1,5 фоизли бандга камайди.

**2020 йил январь-март ойларида ЯҲМ нинг иқтисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси (2019 йил январь-мартга нисбатан, % да)**



Хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидағи улуши 12,4 фойизни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 1,2 фойизли пунктга камайди.

